

НАВРЎЗНИ МУНОСИБ КУТИБ ОПАЙЛИК!

Хурматли профессор-ўқитувчилар, азиз талабалар! Наврўзи олам арафасида институтимиз ҳудудини ободончилик ва кўкаламзорлаштиришга ўз ҳиссамизни қўшайлик, уни шаҳримизнинг энг гўзал гўшасига айлантирайлик!

ILM OLMOQQA INTILISH - HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ!

ZIYO SHASHMASI



ABDULLA QODIRIY NOMLI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 3 (173)

* * *

2009-YIL

MART *

ISSN -2010-9393

1993-YIL 21-MARTDAN SHOXA BOSHLAGAN



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК

АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

Институтимиз
барча хотин-
қизларини Халқаро
хотин-қизлар
байрами - 8 Март
билан муборакбод
этамиз!

АЗИЗ АЁЛЛАР

Сизлар бор, боғларда гуллар сўлмайди,
Шодланиб қалбларда, севги сўнмайди.
Сизларсиз ҳаётда, яшаб бўлмайди,
Бизнинг бахтимизсиз, азиз аёллар.

Сизлар бор, уйимиз доим саришта,
Озодасиз, покизасиз ҳар ишда.
Сизларсиз гарк этар, уйни фаришта,
Бизнинг бахтимизсиз, азиз аёллар.

Сизлар бор, биз учун қиш ҳам баҳордай,
Зимистон тунлар ҳам тонгдай, саҳардай.
Сизларсиз ҳаттоки, бол ҳам заҳардай,
Бизнинг бахтимизсиз, азиз аёллар.

Сизлар бор, энг гўзал орзулар бордир,
Бахт, омад ҳамини, бизларга ёрдыр.
Сизларсиз биз учун, кенг дунё тордир,
Бизнинг бахтимизсиз, азиз аёллар.

Ўткирбек ЎРАЛОВ,
муסיқий таълим йўналиши 3-курс
толиби.

ҲАЗРАТ НАВОИЙГА БАҒИШЛАБ

9 феврал куни институт маданият саройида Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллигига бағишланган «Алишер Навоий ижодий меросининг маънавий-маърифий аҳамияти» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирни институт ректори, профессор О.М. Дўсматов очди. «Навоийни англаш» мавзусида Самарқанд давлат чет тиллар институти кафедра мудири, профессор И. Сувоқулов, «Навоий таҳаллуси ҳақида» мавзусида ўзбек адабиёти кафедраси доценти М.Каримов, «Алишер Навоий - тилшунос аллома» мавзусида ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири Б.Файзуллаев маъруза қилдилар.

Ўзбек филологияси факультети 3 босқич талабаси Дилдора Собирова Навоий газалларидан намуналар ўқиб берди.

Анжуманнинг асосий қисми тугагандан сўнг, Алишер Навоий асарлари асосида тайёрланган алабий-муслиқий композиция намойиш этилди.

Ю. АҲМАДОВА
С. ШАРИПОВА

БОБУРХОНЛИК КЕЧАСИ

Педагогика факультетида 14 феврал куни «Заҳириддин Муҳаммад Бобур - авлодларга мудом ибрат-намуна» мавзусида бобурхонлик кечаси бўлиб ўтди.

Тадбирни педагогика факультети декани, профессор Х.Тўрақулов очди.

«Бобур серкўра ижодкор» мавзусида профессор У.Жуманазаров, «Бобур асарларининг тили» мавзусида доцент Н.Усмонов маъруза қилдилар. «Заҳириддин Муҳаммад Бобур - авлодларга мудом ибрат-намуна» мавзусида 203-204 гуруҳ талабалари бадний чиқиш қилдилар.

Г.АҲМАДОВА

ЁДГОР САЪДИЕВ БИЛАН УЧРАШУВ

4 март куни институт маданият саройида Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза мукофоти лауреати, Республика Ички ишлар вазирлиги «Қалқон» студияси бадний раҳбари Ёдгор Саъдиев билан талабаларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси С.Ғозиев, институт ректори, профессор О.Дўсматов иштирок этдилар.

Театр ва рассомчилик институтини 1961 йилда таъмонлаб 1968 йилдан буён Ўзбек Миллий академик театрида фаолият кўрсатиб келаётган таниқли актёр «Шайтанат» видеофильмида Асалбек роли билан янада шухрат қозонди. У 700 га яқин фильмда овоз берган.

Ёдгор Саъдиев институтимиз талабаларига ижодий режалари ҳақида гапириб берди ва яқинда Тоҳир Малик асари асосида ишланган «Иблис девори» кинофильми намойиш этилди.

Кино тақдиротидан сўнг актёр билан қизиқарли савол-жавоблар бўлди.

Учрашув талабаларда катта таассурот қолдирди.

(Ўз мухбиримиздан)

37303

6 март куни институт маданият саройида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Институт ректори, профессор О.Дўсматовнинг кириш сўзидан сўнг педагогика факультети декани, профессор Х.Тўрақулов «Хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни» ҳақида маъруза қилди. Катта ўқитувчи Х.Тоғаев, рих фанлари доктори, профессор Ф.Аҳмедшина, институт «Камолот» ЁИХ етакчиси Ф.Ақчаев хотин-қизлар байрами тарихи ҳақида чиқиш қилдилар.

Тантанали йиғилишда фаол хотин-қизларга совғалар топширилди.

Йиғилиш якунида институт бадний ҳаваскорлик тўғрақларининг аъзолари томонидан концерт намойиш этилди, хотин-қизларнинг шарафловчи шеър ва қўшиқлар янгради.

Ғ.САТТОРОВ

2-бет

- * Ҳимоянинг ҳуқуқий асослари.
- * Жиззах Давлат педагогика институти «Тайёрлов сўлими»га 2008-2009 ўқув йили учун қабул эълон қилади

3-бет

- * Табиатга муҳрланган қалб
- * Вақт, Вақт, Вақт... Ҳамма вақтлар бир-бирига ўхшамайди. -М.Сервантес.

4-бет

- * Грантга сазовор бўлишди.
- * Жаннатни ўз Ватанингдан қидир..
- * Янгиликлар.

Тарихий тараққийёт шуни кўрсатадики, юртнинг раванг топиши ва элнинг обод бўлиши мақсад қилиб қўйилган давлатда биринчи ўринда ёшларни тарбиялашга, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб беришга устувор вазифа сифатида қаралиши зарур. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларни келажаги буюк давлатга муносиб тарзда тарбиялаш ва уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва қафолатлашга алоҳида эътибор қаратиб келинди.

Шу мақсад Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий мақсадига айланди ва унинг қатор моддаларида ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамлаб қўйилди. Ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини уларнинг ёшига қараб бевосита ёки билвосита чек-лаб қўйишга йўл қўйилмади ва бундай ҳатти-ҳаракатлар амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлиши белги-лаб қўйилди.

Конституциямизнинг 14-моддасида давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади, дейилган. Ушбу моддада давлатимиз фаолиятининг асосий принциплари мустаҳкамланган бўлиб, унда инсон ва унинг манфаатларининг ҳимоя қилиш устувор вазифалиги таъкидланган.

Президентимиз бошчилигида ва у кишининг сарф-ҳаракатлари билан муносиб турмуш тарзини яратиш учун барча соҳаларда ислоҳотлар амалга оширилиб бормоқда, кўп болалар оилаларнинг, қаровенсиз қолган гўдакларнинг моддий ва ижтимоий жиҳатдан ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашига эътибор кучайтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддаси фуқаролик масалаларини тартибга солишга қаратилган бўлиб, шу ўринда ҳам болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси мустаҳкамланганлигини кўрамиз. Унда белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қандай асосларда эга бўлганликдан қатъий назар, ҳамма учун тенглик белгиланган. Бундан кўриниб турибдики, боланинг Ўзбекистон ҳудудида туғилишини ўзи давлат фуқароси сифатида муҳофазага олинади.

Конституциямизнинг 31-моддасига асосан қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга кўра, вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб қилиш, шунингдек, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан болаларнинг ихтиёрига зид тарзда ўқитишга йўл қўйилмаслиги давлатимизнинг болалар тарбиясига алоҳида эътибор қаратаётганлиги ва уларни турли таътиқлардан ҳимоя қилаётганлигидан, шунингдек улар турли зарарли оқимларга кириб кетишининг олди олинаётганлигидан далolat беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддасига кўра, ёшлар меҳнати муҳофазасини таъминлашга ва вояга етмаганлар ижтимоий ҳимоясига давлат томонидан алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига вояга етмаган ёшлар учун иш вақти меъёрлари белгиланиб, 18 ёшга тўлмаган ходимлар учун 36 соат, 15-16 ёшли ходимларга 24 соатлик қисқартирилган иш кунлари жорий қилинди.

Конституциямизнинг 41-моддасида мамлакатимизда амалга ошириладиган ислоҳотлар замирида соғлом, баркамол эртанги кун эгаларининг-янги авлодни тарбиялаш, улгайтириш асосий вазифа қилиб белгилаб қўйилган. Шунинг учун давлатимиз томонидан белгилаб ёшларнинг билим олишлари ва уларнинг қобилиятини, истеъдодини ривожлантириш мақсадида турли ихтисослаштирилган мактаблар, лицейлар ва замонавий касб-ҳунар коллежлари қурилмоқда. Болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР МИНБАРИ

Шунингдек, бола ҳуқуқларининг қафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2008 йил 7 январда «Бола ҳуқуқлари қафолатлари тўғрисида»ги, 2008 йил 16 апрелда «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунарига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида Конституциямиз асосида ёшларнинг ўз ўрнини топишга кўмаклашиш, биринчи навбатда ёшларни иш билан таъминлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб уй-жой

ва ижтимоий-маиший турмуш шароитларини яратиш учун зарур бўлган маблағлар ва кредитлар беришга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида, ҳукуватимиз ва Президентимиз томонидан қатор

норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18 май 2007 йилда «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30 июндаги «Ёшларни умумий ўрта, ўрта-маҳсуус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизими билан қамраб олинишини, шунингдек, кейинчалик уларнинг ишига жойлаштиришни ҳисобга олиш ва ҳисоботини юртишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда, 2007 йил 17 июлдаги «Вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш хоналарни бериш тартиби тўғрисида»ги Низомлари, 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистонда иқтидорли ёшларни тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори шулар жумласидандир.

Президентимиз томонидан 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши ва «Ёшлар йили» давлат дастури тўғрисидаги қарорининг қабул қилиниши, 2008 йил октябр-ноябрь ойларида республика бўйлаб «Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш-барчамизнинг бурчимиздир» мавзусида ҳуқуқий саводхонлик ойлари ўтказилиши вояга етмаганлар ҳуқуқи ва эркинликлари қафолатларини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигининг исботидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш зарурки, Ўзбекистонда ёшлар ва болалар ҳуқуқи ва эркинликларининг қафолатлари механизми амалда. Ёшларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва қафолатлаш учун ҳуқуқий замин яратилган.

Юлдуз КОСИМОВА,
тарих факультети
«Миллий истиқлол ғояси,
ҳуқуқ ва маънавият
асослари» йўналиши 3-курс
талабаси



ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ «ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ»ГА 2008-2009 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

А. Қодирий номли Жиззах Давлат педагогика институти олий ўқув юртига кириш истагидаги ўрта ва ўрта махсуус маълумотли абитуриентларни тўлов шартнома асосида «Тайёрлов бўлими»га ўқишга таклиф этади.

«Тайёрлов бўлими»да ўқув машғулотлари қуйидаги йўналишларга мос танланган мутахассисликлар, блок фанлари бўйича гуруҳларга ажратилган ҳолда олиб борилади.

**МАТЕМАТИКА ва ИНФОРМАТИКА;
ФИЗИКА ВА АСТРОНОМИЯ;
КИМЁ ВА ЭКОЛОГИЯ;
БИОЛОГИЯ ВА ХАЁТИЙ ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ;
ГЕОГРАФИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ;
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ;
КАСБ ТАЪЛИМИ;
БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ВА СПОРТ ТАРБИЯВИЙ ИШИ;
ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ВА АДАБИЁТИ (ИНГЛИЗ ТИЛИ);
ТАРИХ;
ҲУҚУҚШУНОСЛИК;
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ;
ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ;
МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ;
ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ;
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА БОЛАЛАР СПОРТИ;
РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ.**

«Тайёрлов бўлими»да ўзбек, рус ва инглиз тилларини жадал ўргатувчи 3 ойлик ва 6 ойлик курслар ҳам фаолият кўрсатади. Курсларни тўлиқ тугатиб, якуний синовларни муваффақиятли топширган тингловчиларга сертификат берилади.

МАШҒУЛОТЛАРНИ ИНСТИТУТНИНГ ТАЖРИБАЛИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ОЛИБ БОРАДИ.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ЭНГ ЮҚОРИ БАЛЛ ТЎПЛАБ, ТАЛАБАЛАР САФИДАН ЎРИН ОЛИШИНГИЗГА ЗАМИН ЯРАТАМИЗ!

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚУЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ:

1. Институт ректори номига ариза.
2. Маълумоти тўғрисида ҳужжат.
3. 0,86-У шаклидаги тиббий маълумотнома.
4. 3, 5x4,5 ўлчовдаги 6 дона фотосурат.
5. Паспорт шахсан кўрсатилди ва нусхаси топширилади.

МАНЗИЛ: Жиззах шахри Ш. Рашидов шоҳ кўчаси, Жиззах Давлат педагогика институти «Тайёрлов бўлими».
МАЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: (8-372) 325-06-11, 226-59-09.

ЁШЛАР, ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ВА БОЛАЛАР:

ҲИМОЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ва дам олишини ташкил қилиш мақсадида турли маданий-эстетик, илмий-техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасалари ташкил этилди.

Конституциямизнинг 45-моддасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра, вояга етмаган (18 ёшга тўлмаган) болалар бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш бўйича Низом ишлаб чиқилди.

Асосий қонунимизнинг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунча тарбиялаш ва боқиб қўлишга мажбур эканлиги белгилаб қўйилган бўлиб, боқувчисини йўқотган ва ота-онасидан маҳрум бўлган болаларни боқиб ва тарбиялаш, ўқитишни таъминлаш давлат ва жамият зиммасида эканлиги айтилди. Ушбу моддани ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида ҳукуватимиз томонидан 2007 йил 29 ноябрда «Ўрта махсуус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўсаётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровенсиз қолган болаларни моддий таъминлаш нормаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг «Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низоми қабул қилинди.

Конституциямизнинг 65-моддасида фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенглиги ҳамда оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилишини мустаҳкамланганлиги, давлатимизда шу борада алоҳида ҳуқуқий ислоҳотларни кучайтириш, вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш вазифаси қўйилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида давлатимиз томонидан «Вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида»ги Низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.



ТАБИАТГА МУҲРЛАНГАН ҚАЛБ

Таниқли ботаник олим ва мураббий Умарқул Раҳмонқулов 1939 йилнинг 21 мартида Жиззах шаҳрининг «Раваллик» маҳалласида зиёли оиласида таваллуд топди. Ўрта мактабни тугатиб меҳнат фаолиятини Жиззах туманидаги Ҳамид Олимжон номи жамоа хўжалигида тракторчиликдан бошлаган Умарқул Раҳмонқулов 1959 йили Низомий номи Тошкент давлат педагогика институтига ўқишга кириб, уни 1964 йили имтиёзли диплом билан тугаллади ва «Биология ва қишлоқ хўжалиги асослари» мутахассислигини эгаллади. Ана шундан буён домла илм ва таълим билан машғул.

1965 йилнинг октябридан то 1982 йилгача Ўз.Р. Фанлар Академиясининг ҳозирда Собир Юнусов номи билан аталадиган Ўсимлик моддалари химияси институтида дастлаб кичик. 1974 йилдан эса катта илмий ходим лавозимларида ишлади.

Бў даврда Умарқул Раҳмонқулов доривор ўсимликларни ўрганиш бўйича ташкил қилинган илмий экспедицияларга раҳбарлик қилиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг тоғли худудларида илмий тадқиқотлар олиб борди. Илмий изланишлар натижасида оққурай ўсимлигининг дориворлик хусусиятлари ва биологияси ўрганилиб, 1971 йили номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва биология фанлари номзоди бўлди. Оққурайдан ажратиб олинган «Псорален» препарати ҳозирда ҳам тери(пес) касаллигини даволашда муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда.

Умарқул Раҳмонқуловнинг кейинги илмий фаолиятида Ўрта Осиёда ўсади-

ган терпеноид сақловчи ўсимликларни излаш, айниқса Соябонғулдошлар оиласига мансуб ферула (коврак) туркуми турлари биологиясини, ресурсларини ўрганишга бағишланган. Изланишлар натижасида Институтда коврактурларидан эстроген хусусиятга эга бўлган паноферол, тифэстрол номли препаратлари тиббиётга тadbик қилинди.

У.Раҳмонқулов 1995 йилдан 1999 йилнинг сентябргача ЎЗР ФА «Ботаника» ИИЧ Мининг «Ўсимликларни муҳофаза қилиш» лабораториясида мудар лавозимида хизмат қилди.

Илмий тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон «қизил китоби»га кирган ва камёб ўсимликлар ҳақида қимматли материаллар тайёрлан-



ди. Ўзбекистон жанубида ўсадиган шифобахш ўсимликлардан дугбуй, шотара, кўхистон кавраги ва жигар касалликларини даволашда ишлатиладиган 20 дан ортиқ доривор ўсимликларнинг захиралари аниқланиб, харитага туширилди. Унинг раҳбарлигида Ботаника Институти олимлари ва Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси билан ҳамкорликда ишлаши натижасида «Ҳисор қўриқхонасининг ўсимликлар қоплами», «Ҳисор қўриқхонасининг камёб ва «қизил китоби»га киритилган ўсимликлари, «Етмакнинг Ўзбекистонда тарқалиши» каби мавзуларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди ва тадқиқот натижалари яқунланиб, ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Илмий ишларининг якуни сифатида У.Раҳмонқулов 1999 йилда «Ғарбий Тийншоннинг терпеноид сақловчи ўсимликлари» мавзусида

докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1999 йилнинг сентябридан У. Раҳмонқулов институтимизнинг «Табиатшунослик» факультетида, «Биология ва уни ўқитиш услуби» кафедрасида профессор вазифасини бажарувчи лавозимида, 2004 йилдан бошлаб ҳозиргача «Инсон ҳаётини фаолияти муҳофазаси» кафедраси мудири вазифасида ишлаб мунтазам равишда кафедрага тегишли муаммолар ечимлари билан шуғулланиб келмоқда.

У таълим-тарбия жараёнининг давр талаблари асосида олиб боришга катта эътибор беради. Унинг ташаббуси билан факультетда «Захарли ўсимликлар», «Вилоятимизнинг шифобахш ўсимликлари», «Шифобахш кавраклар», «Зомин давлат қўриқхонаси» номи стендлар ташкил қилинди. Ўсимликлар дунёсига бағишланган доривор ва захарли ўсимликлар фитогексиси яратди. Институтда 20 йилдан буён «Ботаника», «Ўсимликлар ресуршунослиги» фанидан бакалавр, магистрантларга моҳир педагог сифатида дарс бериб келмоқда.

Олимнинг илмий изланишлари натижалари жаҳондаги нуфузли халқаро журналларда чоп этилиб келинмоқда. У турли илмий конференцияларда қатнашиб илмий маърузалар қилиб, тезисларини чоп эттирган. 150 дан ортиқ илмий, 30 дан зиёд илмий-оммабоп мақолалар муаллифи, битта монография ва 2 та муаллифлик гувоҳномасига эга. Битта янги коврак турини фанга киритган.

Устоз Умарқул Раҳмонқулов раҳбарлигида 2 нафар илмий ходим номзодлик диссертациясини, ўндан ортиқ магистрлар магистрлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Ҳозирда 4 нафар илмий ходимнинг, 2 нафар аспирантнинг номзодлик диссертациясига, 3 магистрантнинг илмий ишига раҳбарлик қилмоқда.

У. Раҳмонқулов 2004 йилдан ҳозиргача ўриндошлик асосида Ўрмон хўжалиги Бош бошқармасига қарашли «Зомин давлат қўриқхонаси» директорининг илмий ишлар бўйича муовини

вазифасида ишлаб келмоқда. Институтимиз билан Зомин давлат қўриқхонаси ўртасида мустақам илмий алоқа йўлга қўйилди, қўриқхона табиати, флора ва фаунаси, уларни муҳофаза қилиш ҳақида ўнлаб илмий мақолалар, 3 альбом, 3 буклет яратилди. Унинг илмий маслаҳатлари асосида 2 видеофильм (Ҳисор қўриқхонаси, Зомин қўриқхонаси) яратилди ва қўриқхона ҳақидаги материаллардан талабаларга билим беришда фойдаланиб келинмоқда.

У институт профессор-ўқитувчилари, аспирант ва талабалар ўртасида ташаббускор, журятли, тўғри сўз, маънавий етук, катта ишонч ва эътиборга лойиқ мураббийдир.

Умарқул Раҳмонқулов самарали хизматлари эъвазига «Меҳнат ветерани» медали, бир неча фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. У Д.И.Менделеев жамиятининг Тошкент шаҳри бўлими мукофоти совриндори.

... Раҳмонқул бобо Исломовнинг катта оиласида 16 фарзанд бўлиб, уларнинг тарбиясида Раҳмонқул бобо билан бирга унинг тўнғич ўғли У. Раҳмонқуловнинг ҳам роли каттадир. Оиладан фан доктори, 3 фан номзоди, хожи бобо ва ўнлаб шифокор, педагог ва инженерлар етишиб чиққанлиги фикримизнинг далилидир.

У. Раҳмонқулов оилани. Рафиқаси Маҳбуба Раҳмонқулова билан биргаликда 5 фарзандни тарбиялаб ўстирди, фарзандларининг барчаси олий маълумотли мутахассислар бўлиб етишган.

Устоз Умарқул Раҳмонқулов ўзи яшаётган Жиззах шаҳридаги «Ҳамзаобод» маҳалласининг фаолларидан биридир. Маҳаллада Экология, Экосан, Табиатни муҳофаза қилиш кунлари муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда табиат муҳофазасига оид қизиқарли суҳбатлар уюштиради.

Биз қўтлуғ айём-домланинг 70 йиллик тўйлари арафасида устозни кўп сонли шоғирдлари номидан, институтимиз профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлари номидан чин қалбдан муборакбод эгамиз ва домлага узок умр, соғлиқ-саломатлик тилаб қоламиз.

**Н.АБДУЛЛАЕВА,
Л.САНАЕВА,
институтнинг катта
ўқитувчилари**

ҲАММА ВАҚТЛАР БИР-БИРИГА ҲУШАМАЙДИ.

М.СЕРВАНТЕС

Бу сатрларни ўқиб ҳайрон бўларсиз хойнаҳой. Вақт қандай идрок қилинади, у неча хил ва неча улар бир-бирига ўхшаймайди, деган саволлар кўпчиликни қизиқтирса керак. Келинг, ҳозирча вақт нима эканлигига бир тўхталиб ўтайлик.

Маълумки, одам замирида чексиз хилма-хил хусусиятга эга бўлган материя ётади. Материянинг асосий намоян бўлиши эса, ҳаракат, фазо ва вақт билан боғлангандир. Материя тўхтовсиз ҳаракатда, ўзгаришда, ривожланишда бўлганлиги, унинг ҳар қандай аниқ кўриниши фазовий ва вақт структурасига эгаллиги туфайли ҳам биз кўрамыз, биламыз ва ўрганамиз. Ана шу материянинг ўзгариши ва ривожланишидаги ҳодисалар кетма-кетлиги, тартиби, сувлишини инфодаловчи вақт (хар қандай субъектив ондан ташқариғи сифатида) реал вақт дейилади. Реал вақтнинг хилма-хил томонлари хусусиятлари ва сифатлари ҳақидаги тасаввурлар ва билимлар системасини шартли равишда «вақт моделлари» деб атайлик.

«Тез» ва «секин» ўтувчи вақтлар. Вақт тўғрисидаги дастлабки тасаввур ва билимлар уни идрок этишга асосланган. Реал вақтнинг муайян субъекти томонларидан идрок этишга, шубҳасиз, ана шу субъектнинг руҳий ҳолати ҳам ўз таъси-

ВАҚТ, ВАҚТ, ВАҚТ...

рини ўтказди. Масалан, шаҳарлараро телефон станцияси залида навбат кўтиб ўтирган кишиларни тасаввур қилинг. Узок шаҳардаги қадрдон кишисининг товушини эшитишга муштоқ бўлиб турган одам ҳамда ўнлаб абонентларни турли шаҳарлар билан улаш учун кўйиб-пишиб ўтирган телефонист қиз идрок этаётган вақтлар давомийлигини бир хил деб бўлмайди, албатта.

«Йўқолган» ва «ортиб қолган» вақтлар тўғрисида буюк сайёҳ Магелланнинг йўқотган бир кунни ҳақида шундай ҳикоя қилинади:

1519 йил 20 сентябрда Испаниядан Фернандо Магеллан бошчилигида экипажи 265 кишидан иборат 5 кема Осиёга гарбдан йўл очини учун сафарга отланади. Роса 2 йил давом этган сафар мобайнида йўл машаққатларидан кўпчилик нобуд бўлади. Филиппин ороллари аҳолиси экипажнинг қолган аъзоларини қириб ташлайди, шу жумладан Магеллан ҳам ўлдирилади. Испанияга биттагина кичик кемада атиги 17 киши қайтиб келади, ҳалос. Магелланчилар сафарда қизиқ бир ҳодисанинг гувоҳи бўлишди. Сафар қатнашчиларидан бири Антонио Пига-

фетта кундалик тутиб саёҳатни бошдан охиригача батафсил ёзиб борган, лекин Яшил бурун ороллари аҳолиси билан суҳбатда у ёзувларининг ҳақиқатга мос келмаганидан ҳайратга тушди. Ниҳоятки, саёҳатчилар маҳаллий аҳолидан: «Бутун 19 июль, чоршанбами?»-деб сўраганида, аҳоли: «Йўқ бутун 20 июль пайшанба»,-деб жавоб қилади.

Бундан ажабланган Пигафетта барча ёзувларни бирма-бир текшириб чиқади. Бироқ кундалик дафтарида кун саналари ҳаммаси тўғри эди. Шунга қарамай бир кун йўқолган.

Ортиб қолган бир кун. Жюль Верннинг қаҳрамонларидан бири мистер Филеас Фогг ёдингизми? У клуб аъзоларида Ер шарини 80 кун ичида айланиб чиқаман, деб гаров уйнайди. Кейин ёрдэмчиси Паспорту билан Шарққа қараб йўл олади, ҳамда кўплаб ажойиб ва гаройиб саргузаштларни бошдан кечириб сафарини якунлайди. Бироқ улар қадрдон шаҳарларига қайтиб келишганда белгиланган муддат-80 кундан ташқари яна бир неча соат ҳам ўтиб кетган. Шунда Филеас Фогг ўзининг гаровдан ютказган ҳис қилиб, гамга чуқди. Аммо унинг ёрдэмчиси Паспорту кўчага чиқиб «бутун»-«кечаги

кун» эканлигини билиб келади ва мистер Фогг белгиланган муддатнинг сўнги дақиқасида клубда ҳозир бўлиб гаровни ютиб чиқади. Паспорту ортиқча кунни қаердан топиб келди?

Шарққа қараб йўл олган мистер Фогг билан Паспорту сафар кўеши чиқишини эртароқ кўтиб олишган (улар учун ҳар бир сутка 24 соатдан камроқ давом этган) ва Ер шарини айланиб чиқиш мобайнида кўеши чиқишини бир марта кўп кузатишган. Ерни Шарққа қараб айланиб чиққан киши ернинг айланиш йўналишида ҳаракат қилгани учун кўзгалмас кузатувчига нисбатан кўеши чиқишини бир марта ортиқча кузатади, гарбга қараб йўл олган саёҳатчи эса ернинг айланишига қарама-қарши йўналишида ҳаракат қилгани сабабли кўзгалмас кузатувчига нисбатан бу ҳодисани бир марта кам кузатади. Биринчи ҳолда ернинг ўз ўқи атрофида айланишлар сонига шарққа қараб айланган саёҳатчининг айланиши ҳам қўшилади, иккинчи ҳолда саёҳатчи қарама-қарши томонга ҳаракатланганлиги туфайли бир марта айланиш сони олиб ташланади. Агар Магелланчиларда хронометр бўлганда ва улар вақтни шунга қараб ҳисоблаганларида бу парадоксга дуч келишмаган бўларди.

**Кодир Тўраев,
институт физика ўқитувчиси**

ГРАНТГА САЗОВОР БЎЛИШДИ

Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси 2008 йил учун педагогик кадрлар гранти лойиҳаси дастури бўйича якуний хулосаларни чиқарди. **Грантлар қуйидаги уч йўналиш бўйича ажратилди:**

- **биринчи йўналиш** - мактаб ўқитувчилари;
- **иккинчи йўналиш** - олий ва ўрта махсус ўқув юртлири (академик лицей, коллеж ва олий ўқув юртлири) ўқитувчилари;
- **учинчи йўналиш** - ўқув юртлирининг раҳбарлари (мактаблар, академик лицейлар, коллежлар директорлари, олий ўқув юртлирининг проректор ва ректорлари).

Институтимиз маънавий - маърифий ишлар проректори, филология фанлари номзоди, доцент

Абдулҳамид ТАНГИРОВ

Учинчи йўналиш бўйича ғолиб деб топилди, 2008 йил гранти соҳиби бўлди ва форум жамғармасининг махсус дипломини олди.

Дилафрўз ФАРСАХОНОВА

Институтимизнинг педагогика кафедраси ўқитувчиси, аспирант.
«Талабаларга ахлоқий тарбия бериш технологиясини ишлаб чиқиш» лойиҳасига асосан иккинчи йўналиш бўйича «Ўзбекистон маданияти ва санъати» форуми жамғармаси томонидан ташкил этилган «Педагогик грантлар дастури -2008» танлови ғолиби деб топилди.

У профессор Х.Тўрақулов раҳбарлигида «Талабаларга ахлоқий тарбия беришни ахборотлаштириш» мавзусида номзодлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

Лазиз ҚОБИЛОВ

педагогика-психология йўналиши 3-курс талабаси. 2008-2009 ўқув йилида «Камолот» стипендиясига сазовор бўлди.

Илёс ҲАМРОЕВ

педагогика-психология факультети 2-курс талабаси. 2008-2009 ўқув йилида «Камолот-таълим» гранти ғолиби бўлди.

Биз институтимизнинг барча профессор ўқитувчилари, талаба ёшлари номидан ғолибларни мукофот билан табриклаш билан бирга уларга сўхат-саломатлик, педагогик ишларида каттадан-катта муваффақиятлар тилаб қоламиз.

ЯНГИЛИКЛАР

«ОДАМ САВДО» СИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙМИЗ

Институт хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ, «География» бўлими, «Камолот» Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати вилоят кенгаши билан ҳамкорликда «Одам савдосига қарши кураш бўйича тadbир ўтказилди. Тadbирда «Камолот» Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати вилоят кенгаши мутахассислари Л.Рахматова, С. Абдувоҳидова, институт «Камолот» ЁИХ етакчиси Ф.Ақчаев, маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари З.Тошбоев ва кўплаб талаба-ёшлар одам савдосидек ҳозирги зарарли иллатга қарши кураш чоралари ҳақида гапирдилар.

З.УЗОҚОВА

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

Институтда «Жиноятчиликнинг олдини олишда ёшларнинг ўрни» мавзусида тadbир ўтказилди. Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи Э.Хусанов «Жиноятчиликнинг олдини олишда ёшларнинг ўрни» мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, «Талаба-ёшларнинг ҳуқуқ ва бурчлари» ҳақида институт «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Ф.Ақчаев, «Жиноятчиликнинг олдини олишда маҳалланинг ўрни» хусусида «Зилол» маҳалласи оқсоқоли Р.Расулов чиқиш қилдилар.

Ф.ҚЎШНАЗАРОВ

ТАЛАБАЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАР УЧРАШУВИ

Мактабгача таълим ва болалар спорти ва «Педагогика - психология» йўналишлари талабалари вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 32-сон махсус мактаб-интернат ўқувчилари билан учрашув ўтказилди.

Учрашув сўнггида хайрия тadbир ўтказилди ва ҳомийларнинг совгалари топширилди. Мактаб - интернат тарбияланувчиларининг бадиий чиқишлари тadbирга яқун ясади.

А. МАҲАММАТОВ

ИЖОДИЙ АЛОҚАЛАРГА ЭЪТИБОР

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 3-босқичи вазибаларини амалга оширишда ўзаро ижодий алоқаларнинг аҳамиятига бағишланган учрашув кечасининг ташкилотчилари қам «Педагогика - психология, дефектология ва мусиқа» йўналиши талабалари бўлишди.

Тadbирга СамДу профессори, Ўзбекистон халқ артисти А. Эргашев, Ўзбекистон Республикаси Бастакорлар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Р. Ҳамрақулов ташриф буюрдилар ва ижод намуналари билан чиқиш қилдилар.

Меҳмонлар талабаларнинг саволларига жавоб бердилар.

Г. ХУДОЙНАЗАРОВ

ОДАМ САВДОСИ...

Бадиий адабиёт ҳаётни рангин қиёфада акс эттирар экан, китобхонга таъсир кучи эътиборга лойиқдир. Шу ўринда биз Шухратнинг «Жаннат қидирганлар» романига эътиборни қаратмоқчимиз. Шоир сўзи билан айтганда:

**Эл юрган кўчадан кўп қатори юр,
Ҳаётнинг тотидир меҳнат, поклик, тер
Ўқингма, умрингни тўғри йўлга бур!**

Ёзувчи Саидакбар ҳожи, унинг оиласи ва оиласи тевағидаги шахслар мисолида ватангадолар қисматини таҳлил этади. Романининг ғоявий мундарижасига мос равишда асар сюжети ҳам асосий йўналишдан ташкил топган, воқеалар ҳам она юртимизда, ҳам хорижда содир бўлади. Бу икки линия бир қарашда тамоман мустақил, бир-бирига алоқасиз ҳолда ривожланаётгандек туюлади. Аммо адиб улар орасидаги ҳам ички, ҳам сиртки боғланишларни топади. Аввало қариндошлик иплари Умматали билан Саидакбар ҳожини бир-бирига боғлайди. Саидакбар ҳожи инқилобдан кейин чет элга қочган, бечора қизи билан хотинини саргардон қилиб қолдирган, ўғли билан садоқатли хизматкори Қурбоналини авраб олиб кетган. Алданган хизматкор Қурбонали Умматалининг отаси. Бола отанинг, ота боланинг изини йўқотади, улар умр бўйи бир-бирига талпинилади. Умматали улғайгач, ота туфайли иснодга қолади, қочқоннинг, хоиннинг ўғли деган ном орттиради, бегуноҳ бола бошига кўп оғир савдолар тушади. Умматали бой аллаб ва хўрлаб ташлаб кетган «бой хотин» билан яқин тутинади. Бу аёлнинг қисмати ҳам фожиали. Романининг энг арзишлик диққатга сазовор жиҳати, ёзувчи улар орасидаги бугунги кунги боғланишларни ҳам топади. Аъзам образи шунга хизмат қилади. Умматали-

ЖАННАТНИ ЎЗ ВАТАНИНГ ДАН ҚИДИР

2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Умуман ҳозирги вақтда одам савдоси - умумжаҳон микросидаги муаммага айланган экан, барчамиз шу муаммони ижобий ечимини топишга ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим. Яъниким, мактаб, коллеж, лицей, олий даргоҳларда бу тўғрида суҳбатлар олиб бориб, ёшларни тўғри йўлни танлашларига кўмак бермоқ ниятимиз бор экан, уларга оқ-қорани ажратишни, халқимиз сўзи билан айтганда «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарози» борлигини бадиий асарларга мурожаат этган ҳолда тушунтирсак мақсадга мувофиқ бўларди.

нинг яқин таниши бўлган енгилтабиат, ношукур бу банда ўзи яшаётган шароитга норозилик билан қарайди. Уйланишни орзу қиларкан, унинг назарида, уйланадиган қизи унинг келажак парвози учун қўл келиши керак эди.

Афсуски, бир қалтис тасодиф туфайли унинг тақдирини етим ўсган қиз Нафисага дуч келади. Ҳаётдан норозилик кайфияти оилавий норозиликка қўшилиб, унинг қалбида салбий ҳис-туйғуларни ҳосил қилади, чет элга кетиш иштиёқи туғилади. Аслида у ўқиб юрган чоғларидаёқ чет элнинг ҳаёти ва маданиятига жуда қизиқиш билан қарарди. Уларнинг товуғи кўзига гоз бўлиб кўринади. Охир оқибат ўзининг ҳақиқий жаннатмакон она юртини ташлаб, чет эллардан «жаннат» излаб кетади, фарб разведкасининг қўлига тушади. Унинг фожиали ҳаёти бошланади, ит азобини кўради, бир бурда нонга зор бўлади, қўл оёқлари мажруҳланади. Жуда кўп кўрғилик ва уқубатлардан сўнг, ўзининг юрти ҳақиқий жаннат эканини тушунади, афсуски, вақт ўтган эди. «Жаннат» деб боргани жойида... беватан, беиш, бошпанасиз қолган Аъзам уч-тўрт кун кучада бош ургани жой тополмай эгасини йўқотган итдай ҳар ўтганга бир кўз тугиб дайдиб юр-

гач, шаҳар четидаги кўрмеизгина бир масжид қаровулининг мол боғласа турмас ҳужрасига бориб тиқилади ва энди у шу масжидни суғуриб сийриб, кўни қўшнидан чиққан бир коса ярим коса оби-явғонни тамалди қилиб юришга мажбур.

Мазкур романда, чет элдан «жаннат» излаб кетган Аъзамга томони тескари бўлган Умматали, Нафиса, Тешабой ота образлари тимсолида ҳаётда ўз сафдошлари билан ҳалол меҳнат қилиб ўз ватанини она юртини ҳақиқий жаннатга айлантираётган инсонларни кўраимиз. Ўз навбатида жаннатни туғилган юртида топиши мумкин бўлган Аъзам ва Қоплонбекларга нафрат билан қараймиз.

Бу романи ўқир эканмиз, ҳозирда ҳам бахтни чет элдан излаб юргидан яширинча чиқиб кетган қанча инсонларнинг аянчли қисмати кўз ўнгимизга келади. Хўш, улар бу романи ўқиб, ундан ўзларига керакли хулосаларни чиқарганларида шу кўрғиликларга йўлиқар эдиларми? Бизнингча-йўқ. Чунки ватанга муҳаббат ҳисси, унга интилиш, унинг туپроғини бир ўшиб дунёдан армонсиз ўтиш ҳисси ватангадо Қурбонали образида таъсирчан ўзифодасини топган. Демак Қурбоналининг мунгли, мажруҳ психологик ҳолати асар-

ни ўқиган одамга таъсир қилмай қолмайди.

Шу сабабдан ўрни келганда шунга айтмоқни лозим кўрдикки, адабиёт ўқитувчиларимизни мустақил ўқиш дарсларида ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотаётган, адашганларни тўғри йўлга солишга хизмат қилаётган бадиий адабиётимизнинг гўзал намуналарини таҳлил қилишга чорлаймиз. Чунки юз эшитгандан бир кўрган афзал деганларидек, китобхонларнинг ўзлари асарни ўқиши, ундаги образларни психологик ҳолатлари-ю, изтироб ва кечинмаларини ҳис этишига сабаб бўлади. Уларда ватанга, юртга нисбатан муҳаббат ҳиссини уйғотади. Сўзимизни Шухратнинг ушбу шеъри билан тугатар эканмиз, ёшларимизга бахтингни ўз уйингда изла, топ, деймиз.

*Бахт излаб ҳар ерга ташлама қадам,
Олисга нигоҳинг тикма дам-бадам.
Уйда бахтини толмаган одам,
Бахтини тополмайди кеса ҳам олам!*

Нодира СОАТОВА,
Ўзбек адабиёти
кафедраси доценти

МУАССИС:

Абдулла Кодирий номидаги
Жиззах Давлат педагогика
институтини

Бош муҳаррир:

Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар
таҳлил этилмайди ва
муаллифларга
қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри
таҳририят нуқтаи
назарида фарқлиниши
мумкин.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида № 06-028
рақами билан рўйхатга
олинган.

Манзил: Ш.Рашидов шўх кўчаси,
Абдулла Кодирий номидаги
Давлат педагогика институтини.

«Zamin Print» МЧЖ босмахонасида
офсет усулида 5000 нусхада
босилди. Буюртма № 93